

## “MAGNIT-FINANS” аудиторлик ташкилоти

Тошкент шаҳар А.Навоий кучаси 22 уй х/р ИНН 202545328  
20208000303780184001 МФО 00490, Тошкент вил.Уз.СКБ

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**Аудиторлик хулосаси йулланди:** «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖ  
**Жойлашган манзили:** Нукус шаҳри А.Досназаров кучаси 12 уй

Мен, аудиторлик фаолиятини амалга оширишлик учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014-йил 21-феврал кунида “Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини утказиш” учун берилган № 00732 сонли лицензиясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2013 йил 15-феврал кунидаги 475 тартиб ракамли гувоҳномасига эга булган МЧЖ шаклидаги “MAGNIT-FINANS” аудиторлик ташкилоти аудитори Э.Боисов, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016-йил 11- июн кунида берилган 05388 сонли аудиторлик малака сертификатига асосан, «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖнинг 2016-йил якуни буйича тузилган йиллик хисоботларини аудиторлик текширувидан утказдим.

Аудиторлик текширувига тақдим килинган 2016 йилнинг молиявий хисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хужалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар шахс хисобланади. Бизнинг жавобгарлигимиз молиявий хисоботга билдирилган хулоса билан белгиланади.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий хисоботни тартибга солувчи ҳаракатдаги конунлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий андозалари, ҳамда шу йуналишлар буйича тузилган меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилди. Аудиторлик текшируви тузилган йиллик хисоботнинг ҳаққонийлиги ҳамда ушбу молиявий хисоботнинг корхона молиявий хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Утказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарлича асосга эга деб уйлайман.

Менинг фикримча, «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖнинг 2016 йил учун тузилган молиявий хисоботи, унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради. Жамият томонидан амалга оширилган хужалик молиявий муомалалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги конунчилик талабларига мос келади.

МЧЖ шаклидаги “MAGNIT-FINANS”  
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:

Л.Мамажонов

Э.Боисов



24.03.18,